

**КЕНГ ТАРҚАЛГАН ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЎСИМЛИКЛАР  
ТЎҒРИСИДА**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11690764>

**Сайрамов Файзулло Баратжон ўғли**

*Фарғона давлат университети талабаси*

**Аннотация:** Доривор ўсимликлар тўғрисидаги тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, уларнинг тур таркиби ареаллари, табиий заҳираларини аниқлашдан ташқари, кенг тарқалган вакилларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Маълумки ҳар бир ўсимлик мураккаб ва доимо ўзгарувчан муҳитда шаклланади. Онтогенезнинг барча этаплари (даврлари) қатор экологик омилларга, муайян иқлим шароитга ўзвий боғлиқ.

**Калит сўзлар:** *исириқ, газанда, эрмон, сувқалампир, кўка, жағ-жағ, зуптурум.*

Эътироф этиш лозимки, охириги вақтларда мамлакатимизнинг қатор илмий марказларида етук батаниқ олимларнинг, жумладан О. А. Ашурматов, Ў. П. Пратов ва бошқаларнинг раҳнамолиги ва раҳбарлигида бир нечта тадқиқотлар ўтказилди. Хаёт ва замон талаби асосида хом ашёбоп, айниқса доривор ўсимликларни тадқиқ этиш яхши йўлга қўйилади, ва ананага айланди (Нигматуллаев, 1985, Джаббаров, 1982, Юлдашев, Икромов, Нормурадов, 1992, Нормурадов, Икромов, Юлдашев, 1992, Умаров, 1992, Тайжанов, 1994, Ходжиматов, 1998, Юлдашев, 2001). Ушбу ва бошқа тадқиқотлар Зарафшон дарёси ҳавзасида, Ғарбий Тянь-Шонда ўтказилди. Кўриниб кўрганидек, ушбу ўсимликларни тадқиқ қилиш Фарғона водийсида батафсил ўтказилмаган. Кейин биз ўйлаймизки, қуйда баён қилинмоқчи бўлган ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар, ҳеч қандай такрорланиш бўлмади. Улар фақат, табиий бойликларимиз ҳисобланган мазкур ўсимликлар тўғрисидаги маълумотларимизни тўлдирди, холос.



Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда айрим ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

Қуйида вилоятимиз, қолаверса Фарғона вилоятининг айрим ҳудудларида тарқалган, халқ ва илмий тиббиётда қўлланиладиган ўсимликлар тўғрисида қисқача тўхталамыз.

**Исириқ (гармала)** ҳам кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб халқ орасида қадимдан ишлатилиб келинади. Исириқ чўл ва адир зоналарида кўп учрайди. Бу ўсимлик


таркибида 1, 5-3 % гача алкалоидлар бор, улардан 60% пеганин, бундан ташқари пегамин, пеганол ва алкалоидлар учрайди (Пўлатова ва бошқалар, 1980).

Халқ табоботида исириқ ботилжам (ревматизм), тери касалликлари ва чесоткага қарши қўлланилади. Исириқ тутуни юқумли касалликлар тарқалганда уларни олдини олиш учун муҳим ҳисобланади. Касаллар жойлашган бино ва хоналарни исириқ билан тутатиш керак. Ҳозирги вақтларда исириқ кўплаб бозорларда сотилмоқда у эса, албатта табиатдан йиғилмоқда. Исириқнинг табиатдаги заҳираларини аниқлаб, уни йилига қанча таёрлаш мумкинлигини аниқлаш керак. Исириқ ўсган майдонлар бизда бир талай бўлишига қарамай уни манбаалари чексиз емас. Бу муҳим доривор ўсимлигимиз кўп йиллар одамларимизга мадад бағишлайдиган бўлиши керак.

**Газанда ёки чаён ўти** кўпйиллик ўтчил ўсимлик бўлиб, кўпинча ташландиқ жойларда, эски ҳовлиларни атрофларида баъзан йўлларни бўйларида ўсади. Чаён ўти жумҳуриятимизнинг чўл зонасидан ташқари барча ноҳияларда учрайди. Бу ўтни у гуллаган пайтида тўпланади. Газанда барглари витаминларга бой: 0, 6% аскарбин кислотаси, 50% гача каротин ҳамда витамин К бор. Халқ табоботида газанда камқонлик ҳамда ички азоларидан қон кетишини тўхтатишда қўлланилади.



Илмий медицинада эса қонни тўхтатишда ишлатилади. Газанда ўтидан препарат таёрланиб у бачадон, ўпка ва ичаклардан қон кетишни тўхташида ишлатилади. Медицинада қон кетишини тўхтатиш муҳимлигини ҳисобга олсак бу ўсимликни жуда керакли ўзидан маълум бўлади. Шунини такидламоқчимизки, табиатда газанда ўт жуда кам тарқалган, уни манбалари чекланган. Шунинг учун уни манбаларидан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш керак.



**Эрмон (полынь горькая)** кўпйиллик ўтчил ўсимлик бўлиб адир, тоғли районларда ва воҳаларда ўсади. Доривор сифатида уни барглари ва гуллаб турган поянинг қисми ишлатилади. Энг фойдали даври ўсимлик ғунчалаган ва гуллаган пайтлари ҳисобланади. Эрмон танасидан абсидинтин ва анабсинтин гликозидлари, 2 % гача эфир мойи, янтар ва сүт кислоталари ва бошқалар учрайди.

Халқ медицинасида камқонлик касалини даволашда эрмондан фойдаланилади. Илмий медицинада эса иштахани очувчи ва овқат хазм қилиш органлари фаолиятини яхшиловчи манбалардан ҳисобланади.



**Сувқалампир** бирйиллик ўтчил ўсимлик бўлиб ариқ, каналларини бўйларида, зак жойларда ва йўлларни бўйларида ўсади. Медицинада сувқалампирни бутун танаси ишлатилади. Ўсимлик гуллаган пайтида териб олинади. Сувқалампирни халқ ўртасида илгаридан маълум бўлишига қарамасдан ундан фойдали бўлган гликозид полигопиперин яқин вақтлардагина топилган. Бу гликозиддан ташқари бу ўсимликда витамин К, флавоноидлар (рутин, кверцитрин, гиперозид, кверцетин) 3, 2% ошловчи моддалар ва органик бирикмалар учрайди.




Халқ медицинасида сувқалампир қонни ивишини тезлаштирадиган манбаа сифатида қўлланилади. Ўсимликлардан суюқ экстракт ва гидропиперин препарати тайёрланилади.

**Кўка (мать-и-мачеха)** кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб жуда эрта гуллайди. Кўка ариқ ва сойларни бўйларида ва зах жойларда ўсади. Доривор сифатида барглари ишлатилади. Бу ўсимликда 6% гликозид (туссилягин), инулин, ошловчи моддалар, каротин, аскарбин кислотаси ва бошқалар халқ медицинасида йўталга ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Илмий медицинада эса бу ўсимлик нафас олиш йўлларини даволашда ишлатилади.



Республикамизда кўка ўсимлиги чекланган майдонларда учрайди, уни манбаи кам, шунинг учун ушбу ўсимликни тежамкорлик билан ишлатиш керак.

**Жағ-жағ ёки ачам-бити** бир йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб, барча жойларда учрайди. Жағ-жағда ҳар ҳил фойдали моддалар - ремногликозид гиссопин - бурсовая кислотаси, ошловчи моддалар, олма кислотаси, аскарбин кислотаси ва бошқалар топилган. Бу ўсимлик халқ орасида жуда қадимдан маълум бўлган доривор манбаа ҳисобланади. Жағ-жағдан халқ орасида бир қатор касалликларни даволашда фойдаланилади. Асосан, ички органлардан қон кетганда у фойдали ҳисобланади. Илмий медицинада жағ-жағдан аёллар касалликларини даволашда қўлланилади. Кўпчиликка маълумки бу ўсимликда одамлар эрта баҳорда кўк сомса, кўк чучвара ва бошқа таомлар таёрлашда яхши



фойдаланадилар. Демак жағ-жағ жуда фойдали доривор ва озуқабоп ўсимлик ҳисобланади. Бу ўсимликдан кенг миқёсда фойдаланиш керак.

**Зуптурум, бўзчи ёки бақаяпирмоқ** номлари билан халқ орасида маълум бўлган бу ўсимлик жуда фойдали ҳисобланади. У кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб жуда кенг тарқалган, у ариқ ва сойларни бўйларида ва зах жойларда ўсади. Ўсимликни барги фойдали ҳисобланиб у териб олинади. Унда 6,5 % гача ҳар ҳил полисахаридлар, ошловчи моддалар, каротин, витамин С, К ва бошқа моддалар мавжуд. Зуптурум барглари билан халқ орасида жуда қадим замонлардан бери ҳар ҳил яраларни тўзатишда фойдаланилади.



Бу муҳим доривор ўсимликдан илмий медицинада ҳам қатор касалликларни даволашда ишлатилади. У асосан, бронхит, кўкйўтал, астма касалликларини даволашда муҳим манба ҳисобланади. Бундан ташқари гастрит, колит, энтероколит касалликларини даволашда зуптурумдан фойдаланилади.

Оқсунак ёки самбуқ деб аталувчи кўпйиллик ўтчил ўсимлик муҳим дориворлиги билан характерланади. Асосан, оқсунак Ғарбий Тянь-Шоннинг тоғ олди ва тоғли районларида учрайди. Бу ўсимликда 3% гача алкалоидлар бор, улардан цитизин ва пахикарипин муҳим ҳисобланади. Бу ўсимлик медицинада нафас органларини фаолиятини яхшилашда фойдаланилади.



**Бўймодарон** ҳам кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб кенг тарқалган. Бўймодаронни у гуллаган вақтида терилади ва қуритилади. Ундан медицинада муҳим ҳисобланган фойдали моддалар ажратиб олинган (алкалоид ахиллеин, эфир мойи, смола, витамин С ва бошқалар). Бўймадарон халқ орасида қонни тўхтатиш учун фойдаланиладиган муҳим доривор сифатида маълум. Бундан ташқари ўсимликдан ошқозон касалликлари гастрит, язвани даволашда фойдаланилади. Бу ўсимлик муҳим ва қимматли ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни мавжуд майдонларидан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур.



**Қирқ бўғим** кўпйиллик ўтчил ўсимлик бўлиб, сув бўйларида ва зах жойларда кенг тарқалган. Баъзи майдонларда бегона ўт сифатида ўсади. Қирқ бўғим ҳам муҳим



доривор ўсимликлардан саналади. Уни таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, аскарбин кислотаси ва бошқа моддалар учрайди. Халқ орасида удан ревматизм ва нафас олиш органларини даволашда ҳамда қонни тўхтатадиган манбаа сифатида фойдаланилади.

**Иттикан (қорақиз)** ҳам кўп йиллик ўтчил ўсимлик бўлиб, қатор фойдали хусусиятлари билан ажралиб туради. У асосан ариқ ва каналларни бўйларида ва зах жойларда тарқалган. Бегона ўт сифатида қатор майдонларда учрайди. Маълум бўлишича иттиканда жуда кўп флаваноидлар, аскарбин кислотаси ва эфир мойлари учрайди. Шунинг учун ҳам ундан баъзи бир касаликларни даволашда фойдаланилади. Иттикан ўсимлигидан тайёрланган настой ёки экстрактдан иштахани очувчи ва қонни тўхтатувчи ва бошқа мақсалдарда кенг фойдаланилади.



**Наъматакни** республикамизда бирнеча турлари тоғолди ва тоғли районларда тарқалган. Наъматаклар ариқ ва сойларни бўйларида ва бошқа жойларда кенг тарқалган. Наъматакларни мевалари фойдали ҳисобланади. Улар, асосан ҳар хил витаминларни асоси бўлганидан медицинада кенг ишлатилади. Наъматак меваларидан настойлар тайёрланади. Бундан ташқари у витаминли бўлганлиги туфайли ҳар хил мурабболар ва шарбатлар тайёрлашда ҳам қўлланилади.

Барча тоғли ноҳияларимизда наъматаклар кенг тарқалган ва уларни мевалари кўплаб терилади ва топширилади. Доривор ўсимликлар орасида энг кўп тайёрланиладиган ўсимликлардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни табиатдаги майдонлардан тежамкорлик билан фойдаланиш зарур.



**Ўлмас ўт (бессмертник)** ҳам кўпйиллик ўтчил ўсимлик бўлиб уларни иккита тури мавжуд. Республикамизда учровчи тури (бессмертник самаркандский) тоғли ва тоғолди районларида ўсади.

Доривор сифатида уларни гуллари фойдаланилади. Ўлмас ўтни таркибида флавоноидлар, сапонинлар, ёғ кислоталари, эфир мойлари, каротин, витамин К ва бошқалар бор. Ўлмас ўти жигар ва ўт йўллари касалликларини (сариқ касали ва холецистит) даволашда кенг қўлланилади. Бу ўсимликни яхши дориворлиги



туфайли кўплаб табиатда тўпланилади, шу туфайли ҳам уларни запаслари камайиб кетмоқда. Илгари Помир-Олой тоғ тизмасида катта-катта майдонларда ўсса, ҳам ҳозирги кунга келиб уларни манбалари камайиб кетган. Бу муҳим доривор ўсимликни яхши ўрганиш ва маданийлаштириш керак.

**Қизилча** кўпйиллик бута ўсимлик, тоғли ноҳияларда учрайди. Қизилча таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, витамин С ва бошқа моддалар учрайди. Бу ўсимлик қон босимини туширишда, астма касали ва бошқаларни даволашда қўлланилади.



Биз юқорида айрим доривор ўсимликлар устидагина тўхталдик, аслида эса уларни турлари бизнинг жумҳуриятимизда 500 га яқин.

Уларни кўпчилиги халқ медицинасида қатор касалликларни даволашда қўлланилади, айримларигина эса илмий медицинада ишлатилади. Улардан 20 га яқин турлари жуда катта ҳажмларда табиатдан териб олинади ва аптека бошқармаларига етказиб берилади. Шу нарсани яна бир маротаба таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳозирги вақтда табиий холда ўсувчи доривор ўсимликлар жуда кўплаб таёрланмоқда. Бундан ташқари, жуда кўп одамлар уларни териб келиб бозорларда сотмоқдалар. Тўғриси айтганда, доривор ўсимликларимиз талон-талож қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу тўғрисида ўйлаб кўришимиз керак. Бундай талон-таложликка барҳам беришимиз керак. Табиатимиздаги бу ўлкан бойликларни тежаб-тергаб одилонга ишлатишимиз керак. Бу бойликлар устидан ҳамиша назорат қилиб турадигон бир ташкилотни белгилаш керак, акс холда уларни бутунлай йўқотиб қўйишимиз мумкин. Доривор ўсимликлар тўғрисида кенг қўламда илмий ишларни олиб бориш керак, улардан кўпларини тезда маданийлаштириш керак. Уларни мавжуд махсуслаштирилган хўжаликларда кўпайтириш керак.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Каримов В., Шомаҳмудов А. Халқ табобати ва замонавий илми тибда қолланиладиган шифобахш осимликлар. Тошкент, 1993.
2. Курсанов А. И. ва бошқалар. Ботаника 2-том –Тошкент, 1963.
3. Mustafoyev.S.M. Ботаника –Тошкент, 2002.
4. Набиев М. Ботаника атлас-луғати. —Тошкент, 1969.
5. Xoliqov.S.X. ва бошқалар. Фарғона водийсининг Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонлари.
6. Oripov.R.O, Xalilov.N.X. Осимликшунослик –Тошкент, 2007.
7. Пратов О.Р., Nabiyev.M.M. Ўзбекистон юксак ўсимликларнинг замонавий тизими Тошкент, 2007.

8. Хамидов. Гъ. Ўзбекистоннинг фойдали ўсимликларини муҳофаза этиш – Тошкент, 1990.
9. Холиқов. S, Пратов. Оъ. Ўсимликлар аниқлагичи – Тошкент, 1970.
10. Холматов. X. X. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари – Тошкент, 1991.
11. В. Махмудов, А. Махмудов. Доривор ўсимликлар флора ва систематикаси. Тошкент. “Фан” нашриёти, 2022.